

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**ЖДПИ, Мактаб менежменти
кафедраси катта ўқитувчиси Азамат
Усмонов**

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларни касб-хунарга мақсадли йўналтиришнинг минтақавий хусусиятлари, шунингдек ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш муаммолари ва ечимлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: касб-хунар, бандлик, ишсизлик, педагогик технология, меҳнат бозори.

Дунёning бир қатор давлатларида ёшларни касбга йўналтириш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики ўқувчи ва ёшларни мустақил касб танлашга тайёрлаш самарадорлиги ўз-ўзидан рўй бермайди, бунда ҳудудий шарт-шароит ва имкониятлар, меҳнат ресурслари бозори таҳлили, ҳамда, яқин келажакда талаб юқори бўлган касб турларини прогнозлаш натижасида шакллантирилади. Бу эса, ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтиришнинг педагогик технологиялар тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар натижасида юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижаотли ёшларни тарбиялаш билан бир қаторда меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантириш жараёни кўламини кенгайтириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон Қарорига асосан тасдиқланган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025-йилгача ривожлантириш концепциясининг 4-бобида “Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида 7-синфдан бошлаб касбларга қизиқишини аниқлаш тизимини йўлга қўйиш, мактаб ўқувчиларини касбга тайёрлаш инфратузилмасини яратиш, 8-9-синф ўқувчиларини истиқболли касблар билан танишириб, бунинг учун зарур бўладиган билим ва кўникмалар шакллантириш чора – тадбирларини амалга ошириш”¹ каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу, ўз навбатида, мазкур жараённи тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлган дидактик тизим сифатида тадқиқ этишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

¹ Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 – йилгача ривожлантириш Концепцияси. Вазирлар маҳкамасининг 2021 – йил 18 – январдаги 23 –сон қарорига 1 - илова

Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим министри давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласи.

Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад, ушбу ҳудуд аҳолисининг фаровонлигини, турмуш даражасини ошириш ҳисобланади. Бундай мақсадга авваламбор минтақа аҳолисининг оқилона бандлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлаш чора – тадбирлари ҳудуднинг табиий, сиёсий, техник, технологик, демографик омиллари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ва шароитлари, унинг меҳнат ресурслари ва иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Бунда ҳудуд иқтисодиётининг турли тармоқларида касб эгаларига бўлган эҳтиёжни нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш зарур бўлади. Юқори салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш жараёни нафақат профессионал таълим муассасалари билан боғлик, балки умумий ўрта таълим мактабларида касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш билан ҳам узвий боғлиқдир. Ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш орқали уларни онгли равишда мустақил касб – хунар танлашга тайёрлаш таълим жараёнининг мазмуни сифатида эътироф этилади. Бунда, касбга йўналтиришнинг педагогик – психологик технологияларини тадқиқ этиш билан бир қаторда меҳнат ресурслари бозори конюнктурасини, касб эгаларига бўлган талабнинг ҳудудий хусусиятларини, ҳамда яқин келажакда турли касб эгаларига бўлган талабнинг прогноз кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо этади.

Россия, Буюк Британия, АҚШ, Франция каби дунёning ривожланган мамлакатларида ҳар – бир ҳудуд ўз минтақаси аҳолисини, жумладан, ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтириш ва касбий ўзини – ўзи белгилаш тизимини ривожлантириш учун ҳудудий имкониятлар ва шарт – шароитлардан келиб чиқсан ҳолда концепциялар, ривожлантириш моделлари, схемалар ва бошқа дастурий хужжатларни ишлаб чиқишиган. Масалан, бугунги кунда бундай хужжатлар Россиянинг Ростов, Волгаград, Курск, Свердловск, Тамбов, Перм каби вилоятларида, шунингдек, Буюк Британия ва АҚШнинг турли минтақалари ва штатлари учун ишлаб чиқилган. Бундай хужжатларнинг асосий вазифаси минтақадаги меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкилот ва корхоналарнинг тармоқ билан ўзаро алоқадорлик механизмларини амалга ошириш орқали ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш орқали аҳолини касбга йўналтириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда ёрдам беришdir

Рус олими Ю. Н. Никулин ўзининг “Ҳудуд иқтисодиётини кадрлар билан таъминлаш тизимида ёшларни касбга йўналтиришнинг аҳамияти”

номли илмий мақоласида иқтисодиётни кадрлар билан таъминлашнинг минтақавий тизими ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор жараёнлардан иборат эканлигига эътибор қаратади. Булар:

1. Мақсадни белгилаш;
2. Минтақада кадрга бўлган эҳтиёжни прогноз қилиш;
3. Ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтириш;
4. Кадрларга эҳтиёжни таъминлаш ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш².

Юқоридаги жараёнларни ижтимоий – иқтисодий тизим доирасида мамлакатимизда ўқувчи ва ёшларни касбга йўналтириш ишларини самарали амалга ошириш кадрлар тизимининг барча субъектлари, яъни, маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг худудий бошқармалари ва бўлимлари, иш берувчи корхона ва ташкилотлар, профессионал таълим муассасалари ва мактаблар ўртасида ўюшган ўзаро алоқаларни талаб этади.

2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Ёшларга сифатли таълим бериш ва малакали кадрлар тайёрлаш” долзарб вазифа сифатида белгилаб ўтилган ва ўз навбатида, ўқувчи-ёшларда жамият ҳаётини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришга хизмат қиласидаги меҳнат турлари билан таништириш, меҳнат бозоридаги инновацион технологияларни ўргатишнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш, илфор хорижий тажрибалар ва компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш орқали уларда касб – ҳунарни мустақил танлаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлигини англаради.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан меҳнат бозори конюнктурасида инсоний ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга боғлиқдир. Ушбу жараён меҳнат ресурсларини такрор ҳосил қилишга қаратилган мақсадли чора – тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу чора – тадбирлар тизимининг дастлабки ва муҳим босқичи мактаб ўқувчиларини касб – ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш ҳисобланади.

Ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар халқаро ва мамлакатимиз олимлари: Noel Mwenda, Ш.С.Шарипов, Б.С.Волков, Н.С.Пряжников, В.А.Мансуров, О.В.Юрченко, С.Н.Чистякова, Е.В.Гудкова, А.С.Скутин, Р.Г.Исянов, С.Б.Умаров, П.Қ.Холматов, Д.М.Анварова, П.С.Эргашев, А.А.Хасановлар томонидан олиб борилган.

Ўқувчиларни касб – ҳунарга мақсадли йўналтиришнинг худудий хусусиятлари ва ижтимоий-иктисодий омиллар таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар В.А.Орлов, П.Ф.Анисимов, О.А.Хайдаров, Г.Ф.Шафранов-Куцев, С.Н.Толстогузов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Н.К.Зокирова,

² Никиулина Ю.Н. Профессиональная ориентация молодежи в системе кадрового обеспечения экономики региона // Экономика, предпринимательство и право. – 2020. – Том 10. – № 4. – С. 1263-1280. – doi: [10.18334/epp.10.4.100895](https://doi.org/10.18334/epp.10.4.100895).

З.Я.Худойбердиев, К.А.Эшпўлатов, Н.Р.Ашуровлар томонидан олиб борилган³.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ўқувчи ва ёшларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришда ҳудудга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда касблар атласини тайёрлаш ва ўқувчиларни касб – ҳунарга мақсадли йўналтиришнинг педагогик технологияларини такомиллаштириш муҳимдир. Бу жараёнда фаолият самарадорлигини оширувнинг муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

-ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтирилтиришнинг ҳудудий имкониятларини ўрганиш асосида педагогик технологияларини ишлаб чиқиш:

-ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтиришда ташкилий – ҳуқуқий механизмларининг таъсирчанлигини баҳолаш:

-Ўзбекистонда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг ҳолатини ўрганиш асосида, бу фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш:

-ҳудудий хусусиятлар ва имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган „Касблар атласи“ ўқув қўлланмасини тайёрлаш:

-ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш самарадорлигини оширишга қаратилган тажриба – синов ишларини ташкил этиш:

- ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг сифат ва самарадорлигини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш:

Касбга йўналтиришнинг ҳудудий имкониятлари ва шартшароитларини ўрганиш асосида ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтиришнинг педагогик технологияларини ривожлантиришдан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Botirov Bakhtiyor Fayzullaevich, & Usmanov Azamat Juraboevich. (2020). MELON IN UZBEKISTAN - ECONOMIC EFFECTIVENESS OF INTRODUCTION OF "MELON, WATERMELON SYRUP", "WATERMELON HONEY", "MANGO" BEVERAGE FROM WATERMELONS.

³ В. А. Орлов Социально-профессиональные ориентации молодежи на горные профессии на Среднем Урале: диссертация. 2019 г. П.Ф.Анисимов Социально-экономические основы формирования и развития системы среднего профессионального образования на региональном уровне. Автореферат. 2003 г. О.А.Хайдаров Иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари асосида ўқувчиларни касб – ҳунарга мақсадли йўналтириш тизими. Автореферат. PhD фалсафа доктори диссертацияси. 2019 й. Қ.Х.Абдурахмонов, Н.К.Зокирова Человеческое развитие. Учебник. – Ташкент: ФГБОУ ВПО РЭУ им. Г.В.Плеханова. 2014 г. – 320 с. К.А.Эшрўлатов Замонавий иқтисодиётда меҳнат бозори ва касбий таълим узвийлигини таъминлашни такомиллаштириш. Автореферат. PhD фалсафа доктори диссертацияси. 2018 й. Н.Р.Ашуроев Ўқувчиларни меҳнат ва касбга тайёрлашни такомиллаштиришда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик шароитлари (халқ ҳунармандчилиги мисолида). Автореферат. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. 2007 й.

- INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(4), 136-138. Retrieved from <http://summusjournals.uz/index.php/ijdiie/article/view/325>
2. Usmanov, A. (2020). ЎЗБЕКИСТОН БЕТАКРОР ТУРИСТИК МАМЛАКАТ: ТАРИХИЙ ДАЛИЛЛАР, ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ 27-32 bet. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(13), 1–143. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3415
3. B. F. Botirov, J. Usmonov, & R. I. Ablyakimova. (2021). Organization Of Tourism Services In Uzbekistan Based On The Combination Of National Styles And Modern Innovations . INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 53–57. Retrieved from <https://usajournalshub.com/conferences/index.php/iscrc/article/view/66>
4. Usmonov, AJ (2021). Iqtisodiy ta'limning tarbiyaviy ahamiyati. American Journal of Social Science and Education Innovations , 3 (01), 105-109. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue01-20>
5. Ablyakimova, R. (2020). VIEW AND THEORIES ON FACTORS INFLUENCING MANAGEMENT DECISION-MAKING. Архив Научных Публикаций JSPI, 11(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052
6. Alimova, Q. (2021). ZAMONAVIY MENEJER FAOLIYATI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/920>
7. Alimova Kunduz Oybek qizi, & Toshboyeva Hulkar Mirzaboy qizi. (2021). ISSUES OF ETHICS AND ETHICS IN THE CHILDHOOD OF HAZRAT SHAIKH MUHAMMAD SADIQ MUHAMMAD YUSUF. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 93–95. Retrieved from <https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/view/1227>
8. Alimova, Q. (2021). TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSIYA JARAYONLARINI BOSHQARISH. Jizzax innovatsion ta'limi , 1 (1). <Https://ruslit.jspi.uz/index.php/education/article/view/564>